2015 йил 30 июнь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (12.946)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





***...Ҳар гал гул тўғрисида гап очилса, маҳалламиздаги Қизларгул аянинг ҳовлиси кўз олдимга келади. Ушбу ҳовлидаги камёб гулларнинг жозибаси, тароватi кишини қувонтиради. Шундан бўлса керак, Қизларгул аянинг хонадони доимо гўзаллик шайдолари – гул ихлосмандларига тўла.***

## ФАРОВОН ЮРТНИНГ ГЎЗАЛ ГЎШАЛАРИ

Гулларни яхши кўрадиган инсонни алоҳида ҳурмат қилувчи Қизларгул ая эшик қоқиб келган қиз-жувонлар, қўни-қўшниларнинг қўлини қуруқ қайтармайди, энг сара кўчатлардан илинади. Шу сабабдан маҳалламизнинг каттаю кичиги меҳридарё онахонни яхши кўриб, «Гулойим ая» деб чақиради.

Халқимиз қадимдан кўчат экиб боғ яратишни, ўзи яшаётган масканни обод этишни инсоний бурчи деб билган. Бир парча бўш ер бўлса ҳам гулу райҳонлар, жамбиллар эккан.

Бугун ана шу эзгу анъаналар давом этиб, мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқлари, кўчаю хиёбонлари кун сайин ўзгариб, тобора чирой очиб бормоқда. Бу меҳнаткаш халқимизнинг ободликка, бунёдкорликка интилишининг самарасидир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби пойтахтимизнинг Олмазор туманида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доимий юмушга айланган. Ушбу эзгу ишда туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирок этади.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 майдаги мажлиси баёни асосида пойтахтимизда «Шаҳримизни гулга бурканган обод шаҳар қиламиз» шиори остида кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди Олмазор тумани ободонлантириш бўлими бошлиғи Суннат Қиличев. – Ҳозирги кунда жамоат масканларига, аҳоли турар жойлари ҳудудига гул кўчатлари экилмоқда. Туманимиз кўча ва хиёбонларига, кўп қаватли уйлар атрофига райҳон, гул кўчатлари ўтқаздик. Кўркам манзара, хуш ҳаво бахш этувчи бу гуллар аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулайлик яратиши билан бирга, шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш, одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Райҳон, жамбил, гултожихўроз каби ўсимликлар инсон саломатлиги учун кони фойда, – дейди биология фанлари номзоди Баҳодир Ниёзметов. – Масалан, райҳон атроф-муҳитга тоза ҳаво чиқариб, унинг хуш бўйи одамга завқ бағишлайди. Ўз номи билан гуллари худди хўроз тожини эслатиб турадиган гултожихўроз сувсиз, шўр жойларда яхши ўсади. Табобатда у саратон касалликларини даволашда қўлланилади. Ўзида намликни узоқ сақлаш хусусияти билан микроиқлимни мўътадиллаштиришга ҳисса қўшади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда шифобахш ва манзарали ўсимликлар жуда кўп. Уларни барча ҳудудларда парваришлаш мумкин.

– Маҳалламизда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Олмазор туманидаги «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Малика Бобоқулова. – Яқинда «Гулга бурканган энг обод ҳудуд» кўрик-танловини ўтказдик. Унда уйи доимо саришта, кўчаси обод турадиган Ҳасановлар оиласи ғолиб бўлди. Мунтазам олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари самарасида маҳалламиз ҳудуди янада кўркам қиёфа касб этмоқда. Бугун қайси хонадонга кирманг, остонадаги кўзни қувнатувчи гуллар, садарайҳонлар, чиннигулларни кўриб, баҳри дилингиз яйрайди. Бу халқимизга хос эзгу анъаналар изчил давом этаётганидан далолатдир.

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

## «THE KOREA POST» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

***Яқинда Корея Республикасида нашр этиладиган «The Korea Post» журнали саҳифаларида мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти ҳамда Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари ҳақида ҳикоя қиладиган туркум мақолалар эълон қилинди.***

«2015 йил – Ўзбекистонда «Кексаларни эъзозлаш йили» сарлавҳали мақола ана шулардан биридир. Унда мамлакатимизда кекса авлод вакилларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар атрофлича қаламга олинган.

Мақолада қайд этилганидек, қабул қилинган тегишли Давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз қариялар, нафақахўр ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг манзилли ҳимояси таъминланиши юзасидан салмоқли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

«Мамлакатда 60 ёшдан ошган 2,9 миллионга яқин киши истиқомат қилади, деб ёзади журнал. Отахон ва онахонларнинг 225 минг нафари 80 ёшдан, 44 минг нафари 90 ёшдан, 8700 нафари эса 100 ёшдан ошган. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар бор. Ўзбекистон раҳбарининг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги янги ташаббусларга кенг йўл очди».

Нашрда таъкидланганидек, «мазкур ҳужжат Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг манзилли ижтимоий ҳимоясини қўллаб-қувватлаш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Унга мувофиқ, 10 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат бюджети ҳисобидан соғломлаштирилади. Бунга қўшимча равишда санаторийларда 6 минг нафар ишлаётган кекса инсонларни, пенсионерларни касаба уюшмалари ҳисобидан бепул соғломлаштириш ишлари амалга оширилади. Ушбу мақсадларга қарийб 5 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган».

***(Давоми 2-бетда)***

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Навоийда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда вилоятнинг барча туманларидан келган энг фаол ёш мутахассислар 7 номинация бўйича долзарб ғоя, янги ишланма, инновация, янги фаолият турларини йўлга қўйиш борасидаги лойиҳалари билан иштирок этди.**

**● Жиззахда маҳаллий ҳокимият вакиллик ва ижроия органларининг бюджет жараёнидаги ваколатларини мувофиқлаштириш мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда «Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ва тузилмаси», «Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти», «Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг моҳияти ва аҳамияти» мавзуларида маърузалар тингланди.**

**● Самарқандда юртимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат «Ёш қутқарувчи» кўнгиллилар клублари ўртасидаги мусобақаларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада ёш қутқарувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, фавқулодда вазиятларга оид назарий билимлари синовдан ўтказилди. Таълим муассасаларида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида кўргазмали воситалар орқали маълумот берилди.**

**● Бухоро вилояти марказий маданият ва истироҳат боғида «Биз – ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида ёшлар марафони бўлиб ўтди. Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги доирасида ташкил этилган марафонда 500 га яқин ёшлар, санъаткорлар, ёш оилалар вакиллари, спортчилар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари тўрт километр масофага югуришди.**

### ЖАҲОНДА

**● Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги Churchgate темир йўл станциясида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Поезд машинисти бошқарувни йўқотиб, ҳаракатдаги таркиб билан бирга платформага чиқиб кетди. Ҳодиса натижасида олти киши жабрланди. Уларга жиддий зарар етмаган, жабрланувчиларга шу куннинг ўзидаёқ касалхонадан кетишга рухсат берилган.**

**● Disney World компанияси хавфсизлик нуқтаи назаридан сайргоҳларга ташриф буюрувчиларнинг селфи-таёқлардан фойдаланишини тақиқлади. Ушбу чора Калифорния Диснейлендида 30 июндан, Париж ва Гонконгда эса 1 июлдан кучга киради. Афсуски селфи-таёқлар томоша боғларига ташриф буюрувчиларнинг, шунингдек, боғ ходимларининг ҳам хавфсизлик нуқтаи назаридан хавотирланишига сабаб бўлмоқда.**

**● Apple компанияси Force Touch технологиясига эга бўлган iPhone 6s ва iPhone 6s Plus смартфонларини ишлаб чиқаришни бошлади. Бунда гап синов тариқасида чиқариладиган смартфонлар ҳақида бораётган бўлиши мумкин, бироқ кейинги ойдан Apple уларни ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтиришни режалаштирмоқда.**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

***29 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Парламент қуйи палатасининг кун тартибига «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳамда мамлакатимиз ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини муҳокама этишга доир масалалар киритилди.

Барча масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир қатор қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтган эди. Уларни муҳокама қилиш жараёнида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор амалий таклифлар билдирилди.

Депутатлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган **«Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси**ни муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидландики, инвестиция ва пай фондлари жаҳон амалиётида кенг ёйилган. Шу сабабли «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини сифатли тайёрлаш мақсадида АҚШ, Германия, Корея Республикаси, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари таҳлилдан ўтказилди. Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар инвестиция ва пай фондларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларда «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган асосий нормалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунни қабул қилиш зарурлиги шу билан изоҳланадики, мазкур институтлар ўзига хос механизм бўлиб, ушбу механизм ёрдамида хусусий шахслар пул маблағлари ва бошқа активларни бошқариш учун профессионал менежерлар қўлига топширадилар. Натижада жамоавий инвестициялаш тизими ишга тушади ва бу бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтириш ҳамда уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш имконини беради.

Бинобарин, инвесторлар киритган маблағларнинг ягона жамланмаси шакллантирилади. Унда ҳар бир инвесторнинг ўз инвестицияларига мутаносиб улуши бўлади. Бу профессионал бошқарувни, харажатлар ва таваккалчиликлар диверсификация қилиниши ҳамда камайишини таъминлайди.

Янги қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида сармоянинг эркин оқимини таъминлаш, инвесторларга ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозорига кириш имкониятини бериш, жамғармаларни шакллантириш ва кўпайтириш учун муқобил имкониятлар яратиш каби вазифалар янада самарали бажарилишига хизмат қилади.

«Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

– Фракциямиз аъзолари ЎзЛиДеП сайловолди дастурининг асосий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда хусусий мулк институтининг янада ривожланишини таъминлаш муҳим устуворликлардан бири сифатида белгиланган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини таҳлил қилиб чиқдилар, – дея таъкидлади **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Б.Темирханова.** – Мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг бўш турган пул маблағларини ишга солиш ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтириш йўли билан Ўзбекистонда жамоавий инвестициялаш тизимини яратишда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлишини таъкидлаш муҳимдир. Ҳужжатнинг қабул қилиниши инвестициялар билан боғлиқ ўзаро муносабатларни тартибга солиш имкониятини беради, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда ўтказилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар жараёнида катта аҳамиятга эга бўлади. Бу партиямиз электоратининг манфаатларига монанддир.

– Мазкур қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида фракциямиз аъзолари алоҳида қайд этиб ўтдиларки, мамлакатимизда инвестициялашнинг турли усуллари ривожлантирилаётгани ҳамда аҳолининг фонд бозори тўғрисидаги хабардорлиги ўсиб бораётгани боис инвестиция ва пай фондлари инвестицияларни амалга оширишнинг тобора қулай механизмига айланмоқда, – деди **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг аъзоси М.Ғафурова.** – Шу сабабли бугунги кунда ушбу соҳа аниқ ҳуқуқий тартибга солишни, хусусан «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги махсус қонун қабул қилинишини тақозо этмоқда. Бу пул маблағлари ва бошқа активларни профессионал бошқарувчи компанияларга бошқаришга бериш йўли билан хусусий инвестициялар оқимини рағбатлантириш имконини беради. Натижада профессионал бошқарувни, таваккалчиликлар диверсификация қилиниши ва инвестицияларни бошқариш харажатлари камайишини таъминлайди.

– Партиямиз сайловолди дастурининг асосий қоидалари нуқтаи назаридан инвестиция ва пай фондларини бошқариш институти алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик. Чунки у аҳолининг мамлакатимиз молия институтларига ишончи ошишига, фуқароларнинг даромадлари кўпайишига, шу аснода одамларнинг турмуш даражаси ва сифати юксалишига жиддий таъсир кўрсатади, – деди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзоси Қ.Мирзаев.** – Шунга қарамай, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳозиргача ана шу фондларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун йўқ. Инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг асосий принциплари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фондларни тартибга солувчи ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйиладиган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилишнинг аҳамияти ана шулар билан изоҳланади.

– Фракциямиз мажлисида мазкур қонун лойиҳаси сайловолди дастуримиздан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди, – дея таъкидлади **«Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Ш.Полванов.** – Шуни таъкидлаш муҳимки, қонуннинг қабул қилиниши инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини жамлаш имкониятини беради ва барқарор даромад олинишини, шунингдек, мамлакатимиз молиявий бозори инвестициялашнинг халқаро амалиёти йўналишида ҳаракатланишини таъминлайди. Бу эса инвестициялаш жамоавий институтлари янада ривожланишига ва улар олдида фаолиятнинг янги уфқлари очилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қоидаларини маъқулладилар ва уни қабул қилдилар.

Депутатлар кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати**

# «THE KOREA POST» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«The Korea Post» журнали «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши сингари нодавлат ташкилотилари ва бошқа ижтимоий тизимларнинг уруш фахрийлари ва кексаларни молиявий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларига ҳам юқори баҳо берган. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари эҳтиёжмандлар хизматида эканлиги ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Журналда чоп этилган иккинчи мақола «Ўзбекистоннинг бизнес жозибадорлиги» деб номланади. Унда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлабоқ, республикада қулай сармоявий муҳитни яратиш, миллий иқтисодиётга илғор технология ва хориж сармоясини жалб этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётгани қайд этилади.

«Қўрилган чора-тадбирлар туфайли биргина 2014 йилнинг ўзида жалб қилинган тўғридан-тўғри сармояларнинг ҳажми 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошди, деб ёзади нашр. Улар орасида General Motors, MAN, Knauf, Itochu, Rieter, Klaas, Nestle, Coca-Cola, Kogaz, Sasol, Ariston, CNPC, Indorama, «Газпром», Лукойл, LG, Lotte, Sumitomo, Korea Telecom сингари жаҳонга машҳур корпорация ва бошқа фирма ҳамда компаниялар бор. Улар билан ҳамкорликда жаҳон бозорида талаб қилинадиган ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган сармоявий лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилиб, ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди».

«The Korea Post» Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан муваффақиятли ўзаро манфаатли ҳамкорлиги намунаси сифатида «General Motors» корпорацияси билан биргаликда автомобиллар ва уларнинг двигателларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, Жанубий Корея бизнес субъектлари кўмагида газни қайта ишлайдиган Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши, Қашқадарё вилоятида синтетик ёнилғи (GTL) ишлаб чиқарадиган завод қурилишини ва бошқа лойиҳаларни келтиради.

Мақолада таъкидланганидек, қулай жўғрофий жойлашув, бой табиий ресурслар захираларининг мавжудлиги, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва ривожланган инфратузилма хорижлик сармоядорларни Ўзбекистонга жалб қилаётган асосий омиллар ҳисобланади.

«Ўзбекистон нефть саноати соҳасида Жанубий Корея билан ҳамкорлик қирраларининг кенгайиши» сарлавҳали материалда ҳам мамлакатимизнинг замини улкан углеводород ресурслари заҳирасига эга эканлиги хусусида фикр юритилган. Хусусан, республиканинг беш минтақасида нефть ва газ конлари, 211 та углеводород хом-ашё конлари мавжуд. Шунингдек, 108 та газ ва газ конденсати, 103 таси нефть-газ, нефть-газ конденсати ва нефть конларидир. 50 фоиздан зиёд конларда иш олиб борилмоқда, 35 фоизи ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган, қолганларида эса разведка ишлари давом эттирилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестиция дастурида нефть ва газ соҳасида 23 миллиард АҚШ доллари баҳосига тенг бўлган 31 та лойиҳа киритилган», деб ёзади нашр.

Журналнинг маълум қилишича, 2006 – 2014 йиллар давомида Ўзбекистон нефть ва газ саноатини ривожлантиришга йўналтирилган тўғридан-тўғри сармояларнинг ҳажми қарийб 3,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Мақолада Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон нефть-газ индустриясида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга катта қизиқиш билдиришаётгани алоҳида қайд этилади.

Жумладан, Сурғил кони негизида Корея газ корпорацияси (KOGAS), «Lotte Chemical» ва «STX Energy» компаниялари иштирокида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси бунёд этилмоқда. Йирик ва истиқболли лойиҳа сифатида баҳоланган мазкур улкан саноат иншооти йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш имконини беради.

«Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитидан унумли фойдаланган ҳолда ўзларининг бу мамлакатдаги иштирокини кенгайтириш ниятидалар», деб ёзади «The Korea Post» журнали.

**«Жаҳон» АА,**
Сеул

# ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

***Оила — эзгу орзу-умидларни ўзида мужассам этган ва уларнинг рўёби учун замин яратадиган муқаддас макон. Оила авлодлар бардавомлигини таъминлайди, келажакнинг тамал тошини қўяди. Унда гўзал урф-одатлар, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, эзгулик каби олижаноб фазилатлар шаклланиб, илдиз отади.***

Мамлакатимизда оила саодати Ватан ва халқ истиқболи билан узвий боғлиқдир. Ер юзида эртанги куни, авлодлари тақдири ҳақида қайғурмайдиган бирон халқ бўлмаса керак. Наслининг, миллатининг орномусини, ғурур-ифтихорини, истиқболини ўйлайдиган ҳар бир одам ортидан соғлом зурриёд, соғлом авлод қолишини истайди. Бу — бутун башариятга хос фазилат.

Халқимиз қадимдан оилага муқаддас қўрғон сифатида қараган. Зеро, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган гўшадир. Юртимизда «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Обод турмуш йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари доирасида юзга яқин ҳужжат тайёрланиб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, никоҳланувчи шахсларни психик, наркологик, таносил, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича бепул тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Амалиётдан ҳамда мутахассислар билан бўлган суҳбатлардан маълумки, эрта турмушга чиққан қизларда келин бўлиб тушган оиласига моддий ва маънавий қарамлик, ўзини ёлғиз сезиш, руҳий мувозанатнинг бузилиши, таъсирчанлик, туғруқдан ўта қўрқиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бундан ташқари, катталарнинг қистови билан турмуш қуриш мустақил ҳаётга тайёр бўлмаслик, эр-хотинлик масъулияти ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етмаслигига олиб келади. Оддий муаммо ва қийинчиликларни ҳал қилишда тажрибанинг етишмаслиги эса оиланинг мустаҳкамлигига, никоҳнинг бардавомлигига путур етказади. Афсуски, бугун нафақат қизларни ёш турмушга бериш, балки йигитларимизни ҳам эрта уйлантириш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш ва аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Бироқ баъзан ушбу ёшга тўлмаган йигит ва қизларни никоҳ ришталарини боғлашда шаръий никоҳларни ўқиш билан кифояланиб, амалдаги қонунчиликка риоя этилмаётганлиги натижасида юқорида айтиб ўтилган оқибатларга олиб келмоқда.

Шу ўринда оила қонунчилигига асосан расман никоҳ тузмасдан оила қуришда юзага келадиган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Никоҳ эр ва хотин ўртасида шахсий ва мулкий характердаги маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи аниқ ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Қонунчиликка асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилган никоҳгина ҳақиқий ҳисобланади. Бунда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ФҲДЁ органларидан ташқарида ҳар қандай усулда ва бошқа муассасада тузилган никоҳ тан олинмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Қонуний рўйхатдан ўтказилмасдан эр ва хотиннинг никоҳ муносабатларига киришиши ушбу муносабатларнинг қанча вақт давом этишидан қатъи назар никоҳдагилар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтира олмайди.

ФҲДЁ органларида никоҳ қонуний рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб, эр ва хотин ўртасида ўзаро мулкий ва шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади. Никоҳ тузилиши билан эр ва хотин оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа ҳуқуқий нормалар иштирокчисига айланади. Бу қатъий ва аниқ муносабатлар келгусида эр ва хотиннинг бўлажак фарзандларининг ҳуқуқий ҳолатини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Қонунчиликда белгиланган айрим ҳолатларда қонуний никоҳ тузилиши бевосита маълум имтиёз ва кафолатлар тақдим қилади. Эр ва хотиннинг биргаликдаги турмуши давомида орттирилган мулк фақат никоҳ қонуний расмийлаштирилган ҳолдагина эр-хотиннинг умумий мулки сифатида тан олинади. Қайд этиб ўтиш лозимки, умумий мулк эр ва хотиннинг қайси бир тарафидан тўпланган ва қайси бирига тегишлилигидан қатъи назар ушбу мулкка эр-хотиннинг ҳар иккаласи тенг ҳуқуқли бўлади. Бунда шуниси аҳамиятлики, эр ёки хотиндан бирида мулкий масалада низо келиб чиққанда, агар мулк биргаликдаги никоҳ даврида орттирилган бўлса, ушбу мулкнинг умумий мол-мулк эканлигини исботлашга мажбур эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига асосан диний асосларга кўра тузилган никоҳда эр ва хотин ўртасидаги мулкий муносабатлар Оила кодекси нормалари асосида эмас, балки фуқаролик тартибида ҳал этилади.

Қонунчиликда никоҳ даврида уй ишлари билан банд бўлган, болалар парвариши билан шуғулланган ва бошқа узрли сабабларга кўра мустақил даромад кўриш имкониятига эга бўлмаган тарафни эр-хотиннинг умумий мулкига бўлган ҳуқуқини белгиловчи нормалар мавжуд.

Ушбу норма ўз моҳияти билан ишламайдиган аёллар қонуний ҳуқуқларининг ҳимоясига йўналтирилган. Оила кодекси билан мустаҳкамланган эр-хотиннинг тенглиги принципидан келиб чиқиб, аёлларнинг уй меҳнати билан шуғулланиши натижасида оилада ишлаётган эри билан ҳуқуқлари тенглаштирилади.

Эр ва хотиннинг умумий мулкка нисбатан тенг ҳуқуқлилигини яна шунда кўришимиз мумкинки, эр ёки хотиндан бири умумий мулкка нисбатан бирор-бир олди-сотди ёки битимни амалга ошираётганида иккинчи тарафнинг розилигини олиши шарт. Агарда олди-сотди ёки битимда розилиги олинмаган тараф ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни истаса судга мурожаат қилиши ва битим юзасидан низолашиши мумкин. Қонуний никоҳдан ўтмаган эр ёки хотин бундай ҳуқуққа эга бўлмайди.

Оила кодексининг 117-моддасида эр ва хотиннинг бир-бирига моддий ёрдам кўрсатиш мажбурияти мустаҳкамланган. Эр ёки хотиннинг алимент ундиришдаги талаби эр ва хотин қонуний никоҳда бўлсагина суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин.

Қонуний никоҳдан ўтилиши эр ёки хотинга улардан бирининг вафотидан сўнг мерос олиш боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан моддий ёрдам ва пенсия олиш ҳуқуқини беради. Қонуний никоҳда бўлмаганлар эса, бундай ҳуқуққа эга бўлмайди.

Қайд этилган ғайриқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, оила деб аталмиш жамият пойдеворини яратишда иштирок этувчиларнинг масъулиятини ошириш мақсадида, 2014 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар киритилиб, шунга кўра, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-3-моддасида никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, яъни, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг 2-қисмига кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинишини келтириб чиқаради. Модданинг 3-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексига янги киритилган 125-1-модданинг 1-қисмига асосан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 3 ойгача қамоқ жазоси, ушбу модданинг 2-қисмида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 4 ойгача қамоқ жазоси, мазкур модданинг 3-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 6 ойгача қамоқ жазолари белгиланди.

Руҳшунос-педагогларнинг фикрича, шахснинг шаклланишида у яшаётган муҳит – қирқ фоиз, тарбия эса қирқ беш фоиз улушга эга. Шу маънода, айтиш мумкинки, мавжуд қонунчиликка риоя этишда ота-оналар, маҳалла аҳли, ўқитувчилар, қўйингки, боланинг ён-атрофида ким бўлса, уларнинг барчаси муайян даражада масъулдир.

Бу эса ҳар биримизни янада ҳушёр бўлишга ундайди. Зеро, ҳушёр киши фарзандини хатарли йўлдан сақлаб қолади ва ўзи ҳам бошқаларнинг олдида изза бўлиб қолмайди.

Оила пойдеворининг мустаҳкам бўлиши жамиятга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Демак, жамиятни соғломлаштириш учун, энг аввало, оилада соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш лозим.

Оила, никоҳ тушунчалари тобора омонат бўлиб бораётган ғарбона яшаш тарзини «оммавий маданият» ниқоби остида китоб, кино, сериал ва ҳатто мультфильм кўринишида ёшларимиз онгига сингдиришга уринишлар кўп кузатилмоқда. Буларнинг барчаси оила билан боғлиқ асрий анъаналаримиз, қадриятларимизни, ёшларнинг ахлоқ ва маънавиятини емиришга қаратилаётгани айни ҳақиқатдир.

Келажаги буюк жамиятни барпо этиш учун, аввало, оила мустаҳкам, моддий ва маънавий жиҳатдан бут бўлиши керак. Демак, биздан бундай хатарларга қарши доимо сергак бўлиш, ҳушёр яшаш талаб этилади. Муҳими, «оммавий маданият»нинг таҳдидларига фақатгина аҳоли маънавиятини юксалтириш, жамиятнинг ахлоқий негизларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан қарши туришимиз мумкинлигини асло ёддан чиқармаслигимиз керак.

**Аҳрор МУҲАММАДБОҚИЕВ,**
**Яшнобод тумани прокурорининг ўринбосари**



Кенг ва равон кўчалар шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.
**Ислом Исмоилов олган сурат**

**Анжуманлар**

# БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ОШМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мамлакатимизда банк инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Тадбирда банк тизимининг ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар, банк тизимининг барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш, банклар капиталига қўшимча инвестицияларни жалб этиш, уларнинг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш, тадбиркорлик тузилмаларининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш борасида батафсил маълумотлар берилди.

Анжуманда «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши республикада кредит ахбороти алмашинуви тизимининг, хусусан, потенциал қарздорларнинг кредитлар ва бошқа қарздорликлари ҳолати, улар бўйича мажбуриятларни бажариш ҳамда уларнинг тўловга қобилиятлилиги, молиявий ҳолати, ишчанлик обрў-эътибори ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олувчи тўлиқ ва аниқ маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилганлиги таъкидланди.

— Қонун қабул қилинганидан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 17 мартдаги қарори билан «Банклараро кредит бюроси» негизида «Кредит ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси ташкил этилди, — дейди «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюросининг бош директори Музаффар Саломов. — «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуннинг дастурий-техник таъминот, кредит ахборотидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш, уни ўчириб юбориш, ўзгартириш ва ошкор қилиш бўйича талаблари ижросини таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, серверларни ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш учун тармоқлараро тўсиқ, ахборотларни ҳимояловчи лицензияланган техник ва дастурий воситалар ўрнатилди. Бюро фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида компьютер ва бошқа ускуналарнинг тўсатдан ишдан чиқиш ҳолатларида тизим базасини қайта тиклаш учун дастурий ва техник воситалар ўрнатилди, бу эса ишлаб турган база билан бир қаторда уни заҳира базасини яратиш имконини берди. Кредит бюро билан Марказий банк ва кредит ташкилотлари ўртасидаги электрон ахборотларнинг алмашинувининг ҳимояланган банк телекоммуникацион тармоғи орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Қонунда кўрсатилган ахборот хавфсизлик чоралари тўлиқ бажарилди. 2013 йилда кредит бюросидаги ўртача кредит мурожаатлари сони кунлик 1 223 тани ташкил этган бўлса, 2014 йил давомида ўртача кунлик кредит мурожаатлари сони 5967 тага етди, яъни 4,9 баробар ошган. 2013 йилда маълумотлар етказувчилар томонидан КАТМ ахборотлар базасига 24 млн. умумий қайдлар сони тақдим этилган бўлса, 2014 йил уларнинг умумий сони — 467,33 млн.га етди.

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши бугунги кунда республикадаги кредит ахбороти алмашинуви тизимини ҳамда уни тартибга солувчи қонунчилик базасини халқаро талаблар даражасида янада такомиллаштирди. Ўзбекистонда замонавий кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ташкил этилишини таъминлади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг кредит портфели сифатини яхшилашга, ёмон активлар бўйича заҳира яратиш харажатларининг камайишига ва нисбатан юқори молиявий натижаларга олиб келди. Бундан ташқари, самарали кредит ахбороти алмашинувининг яратилиши натижасида кредитлар ҳажмининг ошишига ва ишончли мижозларга минимал талаблар асосида кредит берилишига, кредит бозорида рақобатни оширишга ва фоиз ставкаларини камайтиришга эришилмоқда.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Гаров реестри фаолияти бўйича ҳам батафсил маълумотлар бериб ўтилди. Ўтган йилнинг 1 июлидан кучга кирган «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун банк хизматлари инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтирилгани билан долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжат кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги мажбуриятларни тартибга солади, гаров муносабатларининг ягона реестрини юритиб, соҳага оид ахборотлар ишончлилигини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, гаров реестрининг республикамизда ташкил этилиши туфайли мамлакатимизнинг молия-банк тизими халқаро стандартларга мос инфратузилма билан таъминланди ҳамда кредиторлар манфаатлари янада ишончли ҳимояланди. Бугунги кунда гаров реестрида 120 дан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтказилган бўлиб, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, корхоналар ва жисмоний шахслар ушбу хизматдан фойдаланишмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

# ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ

***Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Сиз соғинган наволар» деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, ёшлар иштирок этди.***

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг саломатлигини тиклаш, маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда мўътабар кексаларимизнинг улкан хизмати мужассам.

– Мазкур тадбирга маҳалламиздаги ёши улуғ инсонлар билан келдик, – дейди Шайхонтоҳур тумани «Жанггоҳ» маҳалласида истиқомат қилувчи етмиш ёшли Муяссар Ҳошимова. – Биздек фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-оқибат ва ҳурматдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Ҳар доим эъзоздамиз. Шу мунаввар кунлар учун ҳар қанча шукрона айтсак кам.

Тадбирда ёши улуғ инсонлар одоб-ахлоқ, муомала маданияти, жамоа билан мулоқот қилиш, тинчлик-омонликнинг қадрига етиш борасида сўз юритди. Шу билан бирга, бугунги ёшлар дориломон ҳаётимизнинг қадрига етиши, истиқлол неъматларини асраб-авайлаши, миллий ва умуминсоний қадриятларни қадрлаши лозимлигини таъкидлади.

Санъаткорларнинг она Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари, рақслар барча иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

**(ЎзА)**

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМПАНИЯЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

***Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган «Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури (МТР) – Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун аризалар қабул қилишини эълон қилади. Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидаги корхоналарда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танланиши мумкин.***

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга Европа корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали эришилади.

Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури лойиҳасининг мақсади ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усулларига ўқитиш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат. Барча номзодлар малака ошириш сафарида иштирок этишдан кўзланган мақсадни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ва корхонасининг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Лойиҳанинг тренинг ва малака оширишларида иштирок этиш танланган иштирокчилар учун бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиачипта учун 400 евро миқдоридаги шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суғурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари – менежерларигина малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

*Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари – менежерлари учун талаблар (ва керакли ҳужжатлар) ҳамда лойиҳа янгиликлари батафсил лойиҳанинг веб-саҳифасида www.mtpeu.uz ва Facebook саҳифасида https://www.facebook.com/mtpeu кўрсатилган.*

Номзодларнинг аризалари 2015 йилнинг 22 июлига қадар қабул қилинади. Аризанинг онлайн шакли лойиҳанинг веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Махсус изоҳ: танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда камида 20 фоиз аёл номзодларни танлаб олишни кўзда тутади.

**Қўшимча маълумотлар учун:**
**Жаноб Григориос Контзоглу, БКТД (МТР) лойиҳасининг бошлиғи**
**Манзил: Амир Темур кўчаси, 4,**
**Тошкент шаҳри, 100047**
**Телефон: (99871) 2335901**
**Факс: (99871) 2336406**
**E-mail: mtp@.mtpeu.uzmtp@**
**Veb-sahifa: www.mtpeu.uz**

**Бешинчи босқич: викторина давом этади!**

# «СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну таровaт касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.**

*Савол:*
**Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси қачон қурилган?**

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг китоб музейида ташкил этилган «Шарқ хаттотлик (каллиграфия) санъати ва палиография фанига оид китоблар кўргазмаси» деб номланган экспозициядан Шарқ амалий санъати ва миниатюрасига оид 40га яқин китоблар ўрин олди.***

## КЎРГАЗМАДА ХАТТОТЛИК НАМУНАЛАРИ

Мазкур кўргазмада қадимда ва кейинги даврларда яратилган араб тилидаги, алифбосидаги хаттотлик намуналари, Шарқ ва бошқа ҳудудларнинг қадимий тарих ва адабиётига оид асарлар, турли материаллар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз тарихидан маълумки, Ўрта Осиёда китоб чоп этиш вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шуғулланишган.

Хаттотлик Марказий Осиёда темурийлар даврида юксак даражага кўтарилган. Тарихчи олим Абдумажид Мадраҳимовнинг таъкидлашича, Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида 11 та йирик санъаткорлар хаттотлик борасида самарали ижод қилишган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**«Ёзни «Камолот» билан!»**

## ТИНЧЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

***Олмазор туманидаги «Хончорбоғ» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Тинчлик-осойишталик учун курашмоқ керак!» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.***

Ушбу тадбир ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар, ёшларни диний экстремизм, терроризм сингари бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларга мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг аҳамиятини тўлақонли тушунтириш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив ҳужжатларни маҳаллалардаги фуқаролар ва ёшларга тушунтириш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилди.

Тошкент шаҳри ёшлари ўртасида ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида «Тинчлик-осойишталик учун курашмоқ керак!» мавзусида тарғибот тадбирларини ташкил этишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ходимларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари шакллантирилди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Жумабоев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассиси Бекзод Султонов, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими вакили, тарих фанлари номзоди доцент Дилфуза Ҳабибуллаева, Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Шоира Исакова ва Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Тошкент шаҳар бўлими вакили Садриддин Абдурашидовлар сўзга чиқиб, йиғилганларга буюк неъмат бўлмиш мустақилликни кўз қорачиғидек асрашнинг нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

**Зарина РУСТАМОВА**

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

***Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда Олмазор туманидаги 16-оилавий поликлиника ҳамкорлигида Олмазор тиббиёт коллежида «Гиёҳвандликнинг олдини олиш» шиори остида тадбир ташкил этилди.***

Тадбирда ҳамкор ташкилот вакиллари ва Олмазор тиббиёт коллежининг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди. Сўзга чиққанлар гиёҳвандликнинг нафақат инсон саломатлигига балки табиатга ҳам, қолаверса бутун жамиятга жиддий зарар етказиши тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қандай аянчли оқибатларга олиб келишини ёшларимиз онгига сингдириш ва гиёҳвандликнинг олдини олишдан иборатдир, — дейди 16-оилавий поликлиниканинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими Ҳамида Рўзиқулова. — Эртамиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ушбу ёмон иллатдан асрашга ва уларни огоҳ этишга барчамиз масъулмиз.

Гиёҳвандлик ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг бекорчиликдан келиб чиқишини барчамиз биламиз. Шундай экан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг билим салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказишга эътибор қаратилса, гиёҳвандлик ҳамда турли бошқа иллатларнинг олдини олган бўламиз.

Тадбир мулоҳазаларга бой тарзда ўтди ва ўқувчи ёшлар ўзларига тегишли хулоса чиқардилар.

**Зафар НАЗАРОВ**

***Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида «Ёшлар орасида гиёҳвандликка йўл йўқ» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

## ЗАРАРЛИ ТАЪСИР ВА ИЛЛАТЛАРГА БИРГАЛИКДА КУРАШИБ

Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар орасида гиёҳвандлик иллатининг олдини олиш, унга қарши курашиб, соғлом турмуш тарзига амал қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси илмий методик кенгаши раиси, полковник Шариф Қобилов ва бошқалар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, ёшларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсир ва иллатлардан асраш бугуннинг долзарб вазифасига айланганини таъкидлаб ўтишди. Бутун жаҳонда ушбу салбий иллат ўз домига асосан ёшларни тортаётганлиги ачинарли ҳол бўлиб, мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида «Гиёҳвандлик аср вабоси» номли ҳужжатли фильмлар тўплами намойиш этилди. Юртимиз шарафини жаҳонга олиб чиқаётган спортчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги муносиб иштироки ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилиш борасидаги чорлови ёшларда катта таассурот қолдирди.

Давра суҳбати якунида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

**Замира РАҲМОНОВА**

**Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан**

## КОРХОНАДА ОГОҲЛИК ТАДБИРЛАРИ

***Аёнки, табиий офат қандай кўринишда бўлмасин, у ҳеч қачон вақт, мавсум танламайди. У хоҳ қаҳратон қишнинг изғирин совуғи бўлсин, хоҳ саратон чилласининг жазирама иссиғи бўлсин, тўсатдан рўй бериши эҳтимоли мавжуд. «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади», деганларидек, ана шундай қалтис, кутилмаган вазиятларда саросимага тушмасдан оқилона қарор чиқариб, тўғри ҳаракат қила билиш, эвакуация қоидаларини яхши ўзлаштиришни, нафақат корхона, идоралар ва ўқув муассасалари раҳбарлари, балки ҳар бир инсон яхши билиши даркор.***

Шу боисдан, ҳар бир корхона ва идоралар раҳбарлари – Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари ўз вақтида огоҳлик ва ҳушёрликка қаратилган турли машқ ва машғулотлар ўтказиб, муҳофаза хизматларининг тадбир жараёнидаги хатти-ҳаракати ва маҳоратларини амалда синаб кўришлари ва бундан тўғри хулоса чиқариб олишлари шарт.

Ҳаммамизга маълумки, зилзила табиий офатлар ичида энг хавфлиси ҳисобланади. Мудҳиш зилзила туфайли дунёда юз минглаб бино ва иншоотлар вайронага айланганини, сон-саноқсиз инсонларнинг ёстиғини қуритибгина қолмай, турли кўринишдаги табиий офатларнигина эмас, балки ёнғин ва портлаш хавфини ҳам юзага келтириши, сув ва электр таъминоти узилишлари ва бошқа йирик талафотлар келтириши муқаррар. Хўш шундай экан, табиатнинг бундай қалтис синовларига шайлик қандай?

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2014 йил 26 декабрдаги 3-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2014 йил 30 декабрдаги 7-сонли буйруғига мувофиқ, Сергели тумани ҳудудида жойлашган «Жанубий сув иншооти»да «Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш учун ФМ тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқининг асосий мақсади, корхонада фуқаро муҳофазаси раҳбарияти ва тузилмаларини юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, корхона ходимларини ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ҳамда улар ўртасида огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш борасида амалий ишларни кенг миқёсда олиб бориш, вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфини камайтириш бўйича комплекс профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган режанинг ишончлилигини текшириш, шунингдек, мазкур иншоот ходимларини ва бойликларини муҳофаза қилиш баробарида, авария-қутқарув ишларини зудлик билан олиб бориш ва жароҳатланганларга шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш, авария оқибатларини бартараф этишда фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиб, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида маънавий-руҳий тайёргарлигини оширишга қаратилди.

Тадбир 6 босқичда олиб борилиб, «Жанубий сув иншооти» корхонаси радиоузели орқали бўлиб ўтаётган воқеалар тўғрисида хабарлар машқ қатнашчиларига узатиб турилди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси хизматчилари Отабек Хушвақов иштирокида «Жанубий сув иншооти»да ўтказилган махсус тактик ўқув машқига Бошқарув штабидан 4 киши, Фуқаро муҳофазаси тузилмаларидан 35 нафар ходим, тадбир давомида жами 75 киши ва 6 та автотехника иштирок этди.

Тадбир мобайнида «Жанубий сув иншооти» Фуқаро муҳофазаси тузилмаси асбоб-анжомлар ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Шунингдек, объект Фуқаро муҳофазаси синф хонасини ўқув методик қўлланмалар билан янада бойитиш, Фуқаро муҳофазаси тузилмалари билан Тошкент шаҳар ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2014 йил 30 декабрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2014 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2015 йилдаги вазифалар тўғрисида»ги 7-сонли буйруғига асосан 15 соатлик дастури асосида ўқитиш ишларини ташкил этишда амалий машғулотларга кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда келгусида бўлиб ўтадиган махсус-тактик ўқув машқларига мунтазам тайёргарлик кўриб бориш таклифлари берилди.

Пировардида, ўқув машқига қўйилган асосий мақсад тўлиқ бажарилди, ўқув машқининг ўқув саволлари бўйича объект раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари таркиби қониқарли иштирок этишди.

«Жанубий сув иншооти» раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга «тайёр» деб баҳоланди.

**Азамат СУЮНОВ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳокимликнинг масъул ходими Бердимурод Сайдалиевич Ғаниевга волидаи муҳтарамаси

**ЛАЙЛИХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига талабгорлар диққатига!**

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели, Чилонзор туманларида ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудудидан (мўлжал: машина бозори рўпараси ва Сергели тумани, Қўйлиқ 5-даҳаси рўпарасида) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

**Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13**
**(+99871) 292-71-84**

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимига ИНН 201 098 949 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 октябрда берилган №536 (п) (гувоҳнома) ва (Устав) Низом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **1 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 25-27, кундузи — 39-41 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 ва 2 июль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11711 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5